# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 29 октябрь, № 223 (7453) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 октябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва ипотека бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори, орадан бир ой ўтиб, яъни 22 ноябрда "2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Кўриниб турибдики, эндиликда қишлоқлар ҳам, шаҳарлар ҳам улкан бунёдкорлик ишлари билан қамраб олинди. Ҳамма жойда уйлар қурилиши жадал тус олди.

2016 йилда давлат дастурлари доирасида қишлоқларда 13 мингта тураржой, тадбиркорлар томонидан 13 минг 189 хонадонли уй қурилган бўлиб, бунинг учун 4 триллион 330 миллиард сўм сарфланган. 2017 йилда эса давлат дастурлари доирасида қарийб 29 мингта, жумладан, қишлоқларда 20,3 мингта, шаҳарларда 8,5 мингга яқин тураржойлар қад кўтарган. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан 16 мингдан зиёд хонадонли уйлар қурилган. Яъни умумий ҳисобда қарийб 45 мингта уй-жой барпо этилиб, бунинг учун 6,2 триллион сўм сарфланган.

Ўтган йили бунёдкорлик кўлами янада кенгайди. Хусусан, давлат дастурлари доирасида 42,2 мингта, жумладан, қишлоқларда 25,3 мингта, шаҳарларда қарийб 17 минг тураржой, тадбиркорлар томонидан жами 19,7 минг квартирадан иборат уйлар қурилган. Яъни қарийб 62 мингта уй-жой барпо этилиб, 12 триллион 130 миллиард сўм сарф-харажат қилинган.

Жорий йилнинг ўтган даврида давлат дастурлари доирасида қарийб 30 мингта, жумладан, қишлоқларда 15 мингдан зиёд, шаҳарларда 15 мингга яқин тураржойлар, тадбиркорлар томонидан эса жами 19,5 минг хонадонни ўз ичига олган уйлар барпо этилган. Умумий ҳисобда қарийб 49,5 минг уй-жой қурилиб, бунинг учун 12 триллион 24 миллиард сўм йўналтирилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, халқимиз эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш керак. Бунинг учун эса, қарийб 30 триллион сўм зарур бўлади. Бу маблағ Давлат бюджетининг 23 фоизидан зиёдини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, Давлат бюджетининг бунча қисмини биргина шу соҳага ажратиб бўлмайди. Шунингдек, давлат хусусий сектор иштирокисиз аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш қийин. Шу боис йиғилишда ипотека тизимига босқичма-босқич бозор механизмларини жорий этиш, соҳада хусусий секторнинг ўрнини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Янги тизимга мувофиқ, кўп қаватли уй-жой қурилиши тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади. Давлат томонидан ер ва ипотека кредити учун банкларга маблағ ажратилади.

Уй-жойлар нархининг ошиб кетмаслиги ва ҳамёнбоп бўлишини таъминлаш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилади. Хусусан, 2020 йилдан бошлаб 16 мингта оилага бошланғич бадал ва кредит фоиз харажатлари учун бюджетдан субсидия ажратилади. Ушбу субсидиялар орқали уйлар бошланғич бадалининг 10 фоизи ҳамда Тошкент шаҳри учун 12 фоиз, қолган шаҳарларда 10 фоиздан юқори кредит фоизлари қоплаб берилади. Мазкур янги тизим келаси йилдан Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ва пойтахтимизда тажриба тариқасида жорий этилади. Қолган ҳудудларда эски тартиб сақланиб қолиб, янги тизим унга рақобатчи бўлади.

Йиғилишда уй-жойларни танлашда ҳақиқатан муҳтож оилаларни танлаб олиш мезонлари йўқлиги, таниш-билишчилик ва суиистеъмол ҳолатлари борлиги танқид қилинди.

Мутасаддиларга кам таъминланган оилаларни танлашнинг шаффоф мезонини ишлаб чиқиш, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимларида Доимий ишчи комиссиялари тузиш бўйича топшириқ берилди. Комиссияда банк, молия, солиқ, маҳалла ва бошқа идоралар вакиллари иштирок этиши, уйларни бериш кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиниши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда қишлоқларда уй-жой қуриш тизимини ислоҳ қилиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бу борада ҳам рақобат ва сифат бўлиши учун буюртмачи функцияси "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясидан босқичма-босқич хусусий секторга ўтказилиши белгиланди. 2020 йилда 12 мингта уй-жойдан 8 мингтаси амалдаги тартиб бўйича, 4 мингтаси хусусий сектор томонидан қурилиши кўзда тутилган. Шу муносабат билан Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига уй-жойларни хусусий сектор томонидан қуришнинг янги тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Уйлар нархини тушириш ва сифатини ошириш учун инновацион қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Масалан, ғишт ўрнига газобетон ва пенобетондан фойдаланилса, ишлаб чиқаришда газ сарфи 8 баробар камаяди ҳамда иссиқлик сақлаш 5 баробар ошади.

Йиғилишда, шунингдек, шаҳарсозлик нормаларини такомиллаштириш, қишлоқларда қурилаётган уйларни муҳандислик инфратузилмасига улаш, экин ерларига ўзбошимчалик билан уй-жой қурилишининг олдини олиш ва муҳофазасини кучайтириш масалалари ҳам муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

БИЗ ва ЖАҲОН

# АҚШнинг нуфузли институтлари Ўзбекистондаги ислоҳотларни юксак баҳолади

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев Вашингтонда Миллий демократия институти (NDI) ва Халқаро республика институти (IRI)да брифинг ўтказди. Бу ҳақда мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси хабар берди.*

Ўзаро мулоқотда ҳар икки институт вакилларига мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот тақдим этилди. Хусусан, унда давлат бошқарувини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сайлов жараёни, жумладан, сайловга оид қонунчиликка киритилган янгиликлар, бўлажак сайловларда қонунийлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам алоҳида тушунча берилди.

Тадбир давомида Миллий демократия институтининг Евроосиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Л. Жуитт Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, ижтимоий аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда очиқлик ва шаффофлик муҳитини таъминлаш соҳасидаги ўсиш суръатларини юқори баҳолади.

"NDI Ўзбекистонни ўзаро ҳамкорлик учун муҳим давлатлардан бири деб билади", деди у, жумладан. У 2003 — 2015 йилларда Ўзбекистон билан самарали алоқалар тажрибаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Айни шу даврда Тошкентда мазкур институт офиси фаолият юритган эди.

У NDI Ўзбекистон томони билан мулоқотни қайта тиклашдан манфаатдор эканлигини билдирди. Л. Жуитт фикрича, Олий Мажлис салоҳиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон — АҚШ парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, демократик жамият институтларини кучайтириш ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидир.

У 2020 йил январь-февраль ойларида ўзаро алоқаларнинг энг муҳим соҳаларини белгилаб олиш мақсадида институт расмийларини Ўзбекистонга ташриф буюришини ташкил этиш биринчи ва асосий қўшма лойиҳа бўлади, деб ҳисоблайди.

Халқаро республика институти президенти Д. Твининг ҳам Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади.

➡ 2

# Қонун ижодкорлиги фаолияти тобора халқчил ва ҳаётий аҳамият касб этмоқда

*Ҳар бир фуқаро ҳар куни бирон-бир ҳуқуқ нормасига тўқнаш келади. Ҳуқуқ нормалари қанчалик самарали бўлса, ҳаёт ва турмуш фаровонлиги ошади. Ҳар жиҳатдан пишиқ, пухта тайёрланган қонунларда ҳаётий ва халқчил тамойиллар устувор аҳамият касб этса, уни амалиётга татбиқ қилиш ҳам самарали кечади. Аксинча, амалга оширишнинг аниқ механизмига эга бўлмаган, фақатгина умумий масалаларни ҳал этадиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш амалда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.*

**Жараён**

Ўтган йили Президентимизнинг Фармони билан Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинган эди. Бу эса норма ижодкорлиги фаолиятида янги даврни бошлаб берди.

Юртбошимизнинг ушбу тарихий Фармони бугунги кунда юртимизда барча соҳада олиб борилаётган шиддатли, энг асосийси, халқимизни рози қилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг. Очиғини айтиш керакки, мазкур ҳужжат узоқ йиллар давомида шаклланган норма ижодкорлиги фаолиятига баҳо берибгина қолмай, мавжуд муаммолар, шу жумладан, кўпгина масалалар ва уларнинг оқилона ечимини топиб берди.

Хусусан, илгари қонунлар ижтимоий муносабатларнинг энг умумий жиҳатларини тартибга солар, ҳукумат ва идоравий ҳужжатларнинг қонунга нисбатан юридик кучи камроқ бўлсада, айнан улар қонунларни ишлаш механизмини белгилаб бераётган ҳамда ҳаракатга келишини таъминлаётган эди. Амалиётда эса ҳуқуқий бўшлиқнинг асосий қисми ижро ҳокимияти ҳужжатлари билан тўлдириларди.

Эндиликда концепцияда соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тўлиқ бартараф этиш, жумладан, қонунчилик базасини тизимлаштириш, тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларига эга қонунларни қабул қилиш, ҳар бир қонун ҳужжати баҳосини аниқлаш механизмларини жорий этиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳамда 2019 йилга мўлжалланган Давлат дастурида қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, тўғридан-тўғри амалиётда қўлланадиган қонунлар қабул қилиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, парламентнинг қуйи палатаси томонидан норма ижодкорлиги бўйича илғор тажрибага эга 20 дан ортиқ ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея ва Туркия амалиёти ҳамда замонавий илм-фан ютуқлари чуқур ўрганилди ва таҳлил қилинди. Уларнинг ижобий ютуқлари асосида бугунги кунда самарали, халқчил қонунларни ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## Фаолиятда нима ўзгарди?

Қонун ижодкорлиги ўзига хос мураккаб усул ва воситалар мажмуидан иборат бўлиб, жамиятда ҳуқуқ нормасига бўлган эҳтиёжни аниқлашдан то тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучга кириб, ижроси мониторингини амалга оширишгача бўлган барча жараённи қамраб олади.

➡ 2

# 1 000 000 000 ДОЛЛАРДАН ОРТИҚ ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

*Нурафшон шаҳрида "Invest In Tashkent Region" халқаро инвестицион форуми бўлиб ўтди. Унда 40 дан ортиқ давлатлардан ташриф буюрган нуфузли халқаро компаниялар, бизнес ва дипломатик корпус вакиллари қатнашди.*

**Халқаро форум**





Анжуманда ҳудуд салоҳияти хусусида батафсил маълумот берилди. Унинг биринчи иш кунида Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳридаги иккита олий таълим муассасаси — Новосибирск давлат педагогика университети ва Новосибирск давлат техника университети ҳамда Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида учрашув ўтказилди.

Бўстонлиқ туманида ташкил этилган тақдимотларда хорижлик сармоядорлар билан қишлоқ хўжалиги, қурилиш, туризм, тиббиёт каби қатор йўналишларда муҳим келишувларга эришилди.

Умуман, форум доирасида хорижлик сармоядорлар билан умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ 30 дан зиёд йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш бўйича шартномалар имзоланди.

Жумладан, Жанубий Кореянинг "Dongil construction" компанияси лойиҳа қиймати 400 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи замонавий шаҳарча барпо этмоқчи. Шуниндек, Хитойнинг "Phoenix international wisdom technology investmen" компанияси мамлакатимиздаги илк "ақлли шаҳар" — "Smart City" қурадиган бўлди. Бундан ташқари, Эрон, Филиппин, Туркия, Германия, Россия каби қатор давлатлар сармоядорлари билан ҳам фойдали келишувларга эришилди.

Форумнинг иккинчи кунида иштирокчилар Оҳангарон ва Ангрендаги бир қатор саноат субъектларига ташриф буюришди. Жумладан, қатнашчилар керамик ғишт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Building Innovation" МЧЖ корхонаси, "Agro Sammix" МЧЖ, "Ideal Plast Manufactory" корхоналари фаолияти билан танишдилар.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Евроосиё иқтисодий иттифоқи:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Сўнгги кунларда мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га кириши ё кирмаслиги ҳақида қизғин муҳокама ва мунозаралар бўлмоқда. Фикр-мулоҳазалар эса турлича. Келинг, уларга хулоса ясашга шошилмай, Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга қўшилишининг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари ҳақида фикрлашсак.*

**Долзарб мавзу**

2014 йил 29 майда Остона шаҳрида имзоланган "Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳақида"ги Шартноманинг 4-моддасида уни тузишнинг асосий мақсадлари сифатида аъзо-давлатлар аҳолисининг турмуш даражасини ошириш мақсадида улар иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун шароитлар яратиш, ташкилот доирасида товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат ресурсларининг ягона бозорини шакллантиришга интилиш, глобал иқтисодиёт шароитида миллий иқтисодиётларни ҳар тарафлама модернизация, кооперация қилиш ва улар рақобатбардошлигини ошириш кабилар белгиланган. Демак, бу Ўзбекистоннинг янги иқтисодий сиёсатининг асосларини белгилаб берган Ҳаракатлар стратегияси мақсадларига мос келади.

➡ 2

# Минг марта эшитгандан...

*Фарғона вилояти катта иқтисодий-ижтимоий салоҳиятга эга. Ер ости ва ер усти захираларига бой. Биргина саноат соҳасидаги истиқболли лойиҳалар рўёби туфайли ҳуднинг иқтисодий имкониятлари тобора юксалиб бораётир. Она замин неъматларини хориж бозорларига чиқариб, мўмай даромад олаётган миришкор деҳқонлар ҳам, ўз ҳунари билан чет элликларни ҳайратда қолдираётган қўлигул усталар ҳам шу ерда!*

**Медиатур**

Аммо, халқимиз нақл қилганидек, минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал! Айни сабабдан жорий йилнинг 25-26 октябрь кунлари республикамиз оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Фарғона вилоятига медиатур уюштирилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбир иштирокчилари дастлаб Қўқон шаҳридаги "Буюк алломалар музейи" фаолияти билан танишди. Айтиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қад ростлаган мазкур маскандан маънавиятнинг энг ноёб дурдоналари жой олган.

Навбатдаги манзил — Риштон тумани. Бу ерда бунёдкорлик ишлари авжида. Ҳududдан ўтувчи асосий автойўлнинг ҳар икки ёқасида икки, уч қаватли кўркам бинолар қад ростлаяпти. Кенг кўламли реконструкция ва қурилиш ишларидан кўзланган асосий мақсад, аввало, аҳоли учун замонавий қулайликлар, қолаверса, туризм ривожига кенг имкониятлар яратиш. Чунки Риштон — моҳир кулоллар маскани. Бу ерга дунёнинг турли давлатларидан сайёҳлар келишади.

➡ 2




*...Ҳали ўттиздан ошмаган аёллар қинғирликнинг барча кўчасига бош суқиб чиққани, гулдек умри панжара ортида ўтаётганига ачинасиз. Уларнинг аччиқ қисматига гўдаклар ҳам шерик. Баъзилари оналари билан бирга, баъзилари эса Меҳрибонлик уйида истиқомат қилади.*

*Хўш, бу норасидаларнинг отаси ким?.. Тақдирлари бу қадар аянчли бўлишида нима гуноҳлари бор? Ҳаммасининг юраги тўлиб кетган. Дардлашгиси келади. Мени кечирсин, дейди. Қани эди, биргина кечирим ёки афв билан одамзод ўзгарса?! Қайтиб жиноят кўчасига кирмаса?! Ҳаётини булғамаса...*

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг интернетдаги **www.xs.uz сайтида** эълон қилинадиган ушбу мақолада билиб-билмай ҳаёт йўлларида адашган, панжара ортида ўзи учун зарур хулосалар чиқарган аёллар қисмати ҳақида сўз боради...

# АҚШнинг нуфузли институтлари Ўзбекистондаги ислоҳотларни юксак баҳолади

IRI вакиллари Ўзбекистонда қонунчилик ҳокимияти салоҳиятини мустаҳкамлаш, бўлажак сайловлар шаффофлиги ва демократик тамойилларга мос ўтишини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни ҳам эътироф этиб ўтишди. Бинобарин, АҚШ томони мазкур сайловларда ЕХҲТ кузатувчиларининг тўлиқ миссияси иштирок этишини олқишлади.

Д. Твининг IRI ҳам Ўзбекистондаги бўлажак сайловларга 2-3 нафар вакилини халқаро кузатувчи сифатида юборишга қизиқиш билдираётганини маълум қилди. Бунда, албатта, икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг ҳозирги даражаси ва истиқболлари инобатга олинганини қўшимча қилди. У Халқаро республика институти ҳамкор мамлакатлар сайловларида кузатув миссияларини ташкил этиш амалиётига эга эканлигини таъкидлади.

IRI раҳбари Литва Сейми ва ҳукумат тузилмалари, шунингдек, қонунчилик соҳасида мезбон давлат тажрибасини ўрганиш мақсадида Олий Мажлис делегациясининг 9 — 12 сентябрь кунлари Вильнюсга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон вакиллари ташриф давомида Литва Сейми вице-спикери И. Шяулиене, "Литва — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи вакиллари, қишлоқ хўжалиги, таълим ва илм-фан, давлат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот қўмиталари аъзолари, Литва парламенти Таҳлил бўлими ходимлари, ташқи ишлар, ижтимоий таъминот ва меҳнат, атроф-муҳит вазирлари ўринбосарлари билан учрашишганини шу ўринда қайд этиб ўтиш лозим.

IRI президенти парламентлараро алоқаларни чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилиш учун Литва қонунчилик органи вакилларининг 2020 йилда Ўзбекистонга жавоб ташрифини ташкил этишга тайёрлигини билдирди.

Маълумот учун, Миллий демократия институти 1983 йилда Конгресс қарори билан асос солинган ноҳукумат ташкилотидир. Оқ уй, Конгресс ва АҚШ Давлат департаментида илгари юқори лавозимларда ишлаган шахслар, жумладан, собиқ давлат котиби Мадлен Олбрайт ҳам мазкур муассаса Директорлар кенгаши таркибидан жой олган. NDI сайловларни кузатиш учун АҚШ конгресси вакилларини жалб этган ҳолда мониторинг миссияларини ташкил қилиб келади.

Халқаро республика институти 1983 йилда Конгрессдаги демократик кўпчилик томонидан яратилган. Аризона штатидан сайланган сенатор Жон Маккейн унга узоқ вақт раислик қилган. Айни пайтда Аляска штатидан сенатор Дэн Салливан ушбу лавозимни эгаллаб турибди. Линдси Грэм, Том Коттон, Жони Эрнст, Мит Ромни, Марко Рубио каби нуфузли республикачи сенаторлар, АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича собиқ маслаҳатчиси Герберт Макмастер мазкур институт Директорлар кенгаши аъзоларидир.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи»)**
**тайёрлади.**

# БАНКРОТЛИК БОСҚИЧЛАРИ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

*Жаҳон банкининг куни кеча эълон қилинган йиллик "Doing Business — 2020" халқаро рейтингида Ўзбекистон 190 мамлакат орасида 69,9 балл тўплаб, 69-ўринни эгаллади. Ўтган йили худди шу рейтингда 76-ўринга лойиқ топилган мамлакатимиз бир йил ичида 7 поғонага юқорилагани қувонарли ва катта натижа, албатта.*

## Депутат фикри

Барча соҳада юқори ўсиш суръатига эришилаётган бир пайтда, афсуски, айнан тўлов қобилияти кўрсаткичи бўйича олдинга силжиш эмас, аксинча, пасайиш кузатилди, яъни ўтган йилги 91-ўриндан 100-ўринга тушиб қолдик.

Ваҳолонки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 июлдаги "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида Ўзбекистон 2022 йилга қадар бу йўналишдаги халқаро рейтингда дунё давлатлари орасида биринчи 20 таликка кириши лозим, деган аниқ вазифа қўйилган.

Демак, "Тўловга қобилиятсизликни ҳал этиш" кўрсаткичи бўйича дунё миқёсидаги нуфузимизни мустаҳкамлаш, юқори ўринларни эгаллаш бобида ҳали олдимизда турган вазифалар кўп. Бу борада, аввало, қонуний асосларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" ҳисоботининг "Тўловга қобилиятсизликни ҳал этиш" кўрсаткичи бўйича мамлакат рейтингини яхшилашга каратилган "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида.

Қонунчилик палатасининг жорий йил 24 октябрдаги ялпи мажлиси муҳокамасига биринчи ўқишда қўйилган мазкур қонун лойиҳаси қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Унинг долзарблиги ва муҳим аҳамиятидан келиб чиқиб, бир гуруҳ депутатлар томонидан лойиҳани бирданига қабул қилиб, уни тезроқ амалиётга жорий қилиш лозим, деган таклиф билдирилди. Натижада қонун бирданига уч ўқишда қабул қилинди.

Хўш, ушбу қонун нормаларида қандай тартиб-таомиллар белгиланган? Келинг, шунга тўхталиб ўтсак. Демак, мазкур қонуннинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

— банкротликнинг ҳар бир таомилини олиб бориш муддатлари қисқариб, айрим босқичлари соддалаштирилади;

— банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш учун қарздор ва кредиторлар томонидан иқтисодий судга соғломлаштириш ёки тугатиш таомилларидан бирини қўллаш бўйича ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилмоқда. Сабаби амалда қарздор ва кредитор корхонани сақлаб қолиш, уни соғломлаштиришдан манфаатдор бўлишига қарамай, судга уни фақат тугатиш бўйича мурожаат қилиш мумкинлиги белгиланган эди;

— банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган субъектларнинг иш қўзғатилишидан аввал тузилган битимларни давом эттириш, шунингдек, қарздорга ёки кредиторларга зарар етказувчи ва қарздорга манфаат келтирмайдиган битимларни бекор қилиш бўйича аниқ нормалар киритилмоқда.

Яна бир муҳим масала, бу — кредиторларни овоз беришда гуруҳларга бўлиш ва ҳар бир кредитор гуруҳининг овозларини алоҳида инобатга олиш амалиёти жорий этилаётганидир. Хусусан, суд санациями режасини тасдиқлашда қарши овоз берган кредиторнинг талаби, соғломлаштириш таомиллари самара бермасдан тугатиш таомилига ўтганда унинг илгариги талабидан кам бўлмаган миқдорда қопланиши кафолатланмоқда. Ваҳолонки, кредиторлар тоифаларга бўлинмагани, уларнинг овоз беришдаги ҳуқуқи аниқ белгиланмагани, соғломлаштириш режасини тасдиқлаш учун овоз бериш жараёнида кредиторларнинг талабларини адолатли равишда қондириш билан боғлиқ ҳуқуқларини чеклаб келмоқда.

Шунингдек, қонун иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектларнинг тўловчанлик қобилиятини тиклаш ўрнига, муаммони фақат уларни тугатиш билан ҳал қилиш таомилига барҳам беришга хизмат қилади.

Бу омиллар, ўз навбатида, амалиётда бизнес юритиш муҳитини яхшилаш, корхоналарни соғломлаштириш орқали аҳоли иш жойларини сақлаб қолиб, халқимиз фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда, Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" ҳисоботининг "Тўловга қобилиятсизликни ҳал этиш" кўрсаткичи бўйича:

— қарздорликнинг қайтарилиш кўрсаткичи 34,4 баллдан 39 баллга;

— норматив ҳуқуқий ҳужжатлар самарадорлиги индекси 8 баллдан 16 баллга етказилишига хизмат қилади.

Шу ўринда айрим оммавий ахборот воситалари орқали ушбу қонун билан қонунчиликдаги "банкротлик" термини "тўловга қобилиятсизлик" атамаси билан алмаштирилаётгани ҳақида тарқатилган маълумот ҳақиқатга тўғри келмаслигини, бу икки термин турли маънони англатишини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

## Евроосиё иқтисодий иттифоқи:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Айни пайтда ЕОИИ аъзолари — Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон давлатларининг умумий майдони 20,3 миллион квадрат километрни ташкил этади, аҳолиси 186 миллион киши, ЯИМ ҳажми 1,9 триллион АҚШ долларига тенг. Кўриниб турибдики, ЕОИИ — ҳажми жиҳатидан жуда катта бозор ва бу бозорнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиш Ўзбекистонга улкан имкониятлар яратиб беради.

Марказий Осиё давлатлари иқтисодиёти асрлар мобайнида турли омиллар таъсири остида бири-бирини тўлдириб турадиган ягона ҳудудий комплекс ҳолида шаклланган. СССР парчалангунга қадар Марказий Осиё давлатлари ягона ҳудудий комплекс сифатида сақланиб турган.

1992 — 2016 йиллар мобайнида бешта давлатнинг иқтисодий алоқалари сусайди, ўртада сунъий тўсиқлар пайдо бўлди. Бу давлатларнинг ҳаммасига салбий таъсир кўрсатди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташқи сиёсат буткул ўзгартирилиб, ҳамма давлатлар, айниқса, қўшни мамлакатлар билан алоқалар кенгайтирилгани минтақа давлатлари иқтисодиётига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсата бошлади. Хусусан, 2016 — 2019 йилларда ЕОИИ давлатлари билан ҳамкорликнинг кучайиши йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудий кластерлар, саноат ва савдо зоналарини ташкил этишда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятини янада кенгайтиради, туман ҳамда шаҳарларни индустриал ривожлантириш мақсадида ҳудудларга чет эл инвестицияларини жалб қилиш имкониятини оширади.

Иттифоқ доирасида товарларнинг бож тўловларисиз олиб ўтилиши, давлатларнинг ички бозорларига маҳаллий товарларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз кириб бориши, божхона идоралари фаолиятини тартибга солишнинг умумий ва мукаммал тизимини яратиш, капитал ҳаракати эркинлигини таъминлаш имкониятларини яхшилайди.

Бу иқтисодий алоқалар кучайишининг ижобий томонлари эди. Шу билан бирга, унинг айрим салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Булар — мамлакатимизда маҳсулотлари юқори нархга эга бўлган корхоналар фаолиятига салбий таъсирлар бўлиши, ички бозорда импорт маҳсулотлари ҳажмининг кўпайиши, айрим товарлар бозорида рақобатнинг ортиши, ҳозир турлича бўлган техник тартибга солиш ва стандартларни бир хил қилиш билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши, тайёр саноат товарларини ишлаб чиқариш бўйича туманлараро тафовут ортиши каби эҳтимоллар.

ЕОИИ доирасида ягона электр энергияси бозорини яратиш ва шу йўл орқали барча аъзо давлатларни нисбатан арзон электр энергияси билан таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда бир ечимга келиш мумкин. Булар иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилади.

Ўзбекистон иттифоққа аъзо мамлакатлар ичида меҳнат ресурслари сони бўйича Россиядан кейин 2-ўринни эгаллайди. Бу эса Ўзбекистоннинг меҳнат ресурсларига бойлигини, меҳнат салоҳияти юқорилигини кўрсатади. Масалага шу жиҳатдан ёндашилса, иттифоққа аъзо бўлиш меҳнат муносабатлари масаласида кўплаб ижобий натижаларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев таъкидлаганидек, 1992 — 2016 йиллар мобайнида Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш концепциясини яратиш билан шуғулланмади, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлай олмади. Бозор иқтисодиётига ўтишда хусусийлаштиришни ўтказиш ва хусусий мулк хавфсизлигини таъминлаш керак.

Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, бозор иқтисодиёти, иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, хусусийлаштириш концепциялари ҳамда дастурларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этишда ЕОИИ давлатлари биздан анча олдинга ўтиб кетган. Шу боис мазкур тузилмага аъзо бўлиб кирсак, биз уларнинг бу борадаги тажрибасидан ҳам самарали фойдаланишимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг ЕОИИга қўшилиши масаласи ҳақида интернет саҳифаларида хорижий ва маҳаллий экспертлар фикрлари билан танишиб чиқарканман, айтиш жоизки, улар бир-бирларидан кескин фарқ қилади. Иттифоққа аъзо бўлишни ижобий баҳолаган фикрлар кўпроқ. Лекин улар ичида ўта саёз, чуқур ўйланмаган, ортиқча ҳаяжонга берилган, етарли асосланмаган, ҳатто мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайдиган мулоҳазалар ҳам учрайди. Уларга йирик сиёсатшунос ва иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев яқинда бўлиб ўтган бир анжуманда қатъий таъкидлаган қуйидаги гапни айтиш кифоя: "Ўзбекистон миллий манфаатларга рахна солувчи ҳеч қандай шартномага қўл қўймайди!"

Мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига киришининг айрим салбий томонлари мавжуд бўлса-да, ижобий жиҳатлари кўп ва салмоқли ҳамда улар Ўзбекистоннинг манфаатларига мос келади. Ҳамма гап ушбу ташкилотга кириш учун пухта тайёргарлик кўришга боғлиқ. Ана шунда бу тадбир халқимизнинг манфаатларига хизмат қилади ва мамлакатимиз иқтисодиёти янада ўсишига ёрдам беради.

**Одил ОЛИМЖОНОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# Минг марта эшитгандан...

Кулол Равшанжон Тожиддинов — еттинчи сулола вакили. Унинг уй-музейида 500 дан ортиқ кулоллик намуналари бор. Уста Халқаро ҳунармандчилик фестивали учун 40 килограмм ош сузиладиган лаган ва 2 метру 65 сантиметрли кўза ясаган. Устахона фаолияти ва бежирим амалий санъат намуналари меҳмонларга жуда манзур бўлди.

Олтиариқ туманидаги ҳосилдор далалаларга туташ қурилган шинамгина шийпон. Бу ерда давлатимиз раҳбари Фармони асосида Ўзбекистон Қаҳрамони деган энг олий унвонга сазовор бўлган миришкор фермер Лолахон Муродова билан самимий суҳбат ҳам ижодкорларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирнинг иккинчи кунида Фарғона вилоятида сайловлар жараёнига кўрилаётган тайёргарлик ишлари хусусида маълумот берилди. Шунингдек, Фарғона пресс-клубининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Унда давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, матбуот ҳамда сўз эркинлиги масалалари муҳокама этилди.

Шундан сўнг, ОАВ вакиллари Марғилон шаҳридаги аёллар либослари тайёрлашга ихтисослаштирилган "Наримтекс" корхонаси фаолияти, тошдан қоғоз ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион лойиҳа билан танишди.

Шунингдек, медиатур доирасида бошқа маданий-маърифий масканларда ҳам қизиқарли учрашув ва мулоқотлар ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

# Қонун ижодкорлиги фаолияти тобора халқчил ва ҳаётий аҳамият касб этмоқда

Айтиш жоизки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланишида қонунчиликнинг мақбуллиги, мукаммаллиги, халқчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Қисқача айтганда, жамият ва давлат тараққиёти қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатига боғлиқдир.

Шу сабабли, парламент фаолиятида ишлар янгича ёндашув асосида ташкил этилмоқда. Жумладан, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини яхшилаш борасида тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида, агар 2015 йилда депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида бор-йўғи 8 та, 2016 йилда 11 қонун лойиҳаси киритилган бўлса, 2017 йилда 27 та, 2018 йилда 23 та ва жорий йилнинг ўтган даврида 17 тани ташкил этди. Миллий парламентимизда бундай кўрсаткич аввал бўлмаган.

Яна бир муҳим жиҳат. Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилган қонун лойиҳалари сони ўрта ҳисобда қарийб 2,8 бараварга ошди. Агар 2016 йилда қуйи палата 49 та қонун лойиҳасини кўриб чиққан бўлса, 2018 йилда бу рақам 135 тани ташкил этди. Ўтган давр мобайнида палатага киритилган 68 та қонун лойиҳаси қайта ишланиб, 60 — 85 фоиз ўзгартирилди.

Парламентда тўғридан-тўғри амалиётда қўлланадиган қонунларни тайёрлашга жиддий киришилди. 2018 йилдаги "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида", "Уруғчилик тўғрисида", "Ўсимликлар карантини тўғрисида", "Давлат божхона хизмати тўғрисида", 2019 йилдаги "Қурол тўғрисида", "Туризм тўғрисида", "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида", "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, концепция ижроси доирасида жорий йилнинг 26 март куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан 2 та муҳим ҳужжат қабул қилинди.

Хусусан, шу вақтга қадар қонун ва қонуности ҳужжатлари тарқоқ ҳолда юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириб келинган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти тасдиқланиши билан бу муаммолар ўз ечимини топди. Айни пайтда мазкур услубиёт норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нафақат техник жиҳатларини, балки уларда акс этиши зарур бўлган таркибий қисмларни, шунингдек, ҳужжатга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материаллар мазмунига қўйилган талабларни ҳам аниқ белгилаб берди.

Қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат, бу — тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича "Йўл харитаси"дир. Унда аксарият қонуности ҳужжатларини яхлит қонун шаклига келтиришга қаратилган 60 га яқин қонунларни қабул қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. "Йўл харитаси"да ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштирган ҳолда 2019 йилда 25 та, 2020 йилда 19 та ва 2021 йилда 17 та қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш назарда тутилган. Хусусан, Соғлиқни сақлаш, Инвестиция, Экология кодексларини ва бошқа муҳим қонунларни қабул қилиш назарда тутилди. Биргина мисол, "Адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан адвокатура институтига оид 2 та қонун ва 10 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари тизимлаштирилади. Ўтган вақт давомида Сайлов кодекси, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, "Йўл харитаси"да умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қисқартириш каби муҳим масалалар ҳам қамраб олинган. Шу асосда 200 га яқин қонунлар ва 500 дан зиёд қонуности ҳужжатлари тизимлаштирилади.

## Концепциянинг том маънодаги «юраги»

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясининг том маънодаги "юраги" ҳисобланган ҳужжат, шубҳасиз, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонундир.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, 2012 йилда қабул қилинган, 7 боб, 44 моддадан иборат амалдаги қонун норма ижодкорлиги фаолиятини тизимли ташкил этиш ҳамда тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларига эга эмас. Масалан, бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш масалалари 10 га яқин турли юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Биргина 2008 — 2017 йилларда 8 мингдан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, уларнинг ярми бекор қилинган, хусусан, 2017-2018 йилларда қарийб 900 дан зиёд ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинган.

Куни кеча "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди ва маъқулланди. Соҳага оид барча қонуности ҳужжатларини тизимлаштирган қонун лойиҳаси 9 боб ва 67 моддадан иборат бўлиб, қонунчилигимизда мавжуд бўлмаган янги тартиб ва қоидалар билан янада такомиллаштирилди.

Хусусан, эндиликда қонун ҳужжатларини қабул қилиш асослари ва тартиби, қонуности ҳужжатларининг тартибга солиш доираси аниқ белгиланмоқда. Унга кўра, қонун билан тартибга солинадиган масалалар бўйича қонуности ҳужжатларини қабул қилишга йўл қўйилмаслиги қатъий мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида жамоатчилик фикрини ўрганишга алоҳида эътибор берилаётир. Эндиликда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари, мажбуриятларига дахлдор, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-табиий муҳитга таъсир қилувчи лойиҳалар бўйича мажбурий жамоатчилик муҳокамаси ўтказилади.

Лойиҳада иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик экспертизаларни ўтказиш механизмлари, коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш тартиби ҳам қонун даражасида мустаҳкамланяпти.

Тан олиб айтиш керакки, ҳозирги кунда қонун ҳужжатларининг мамлакат иқтисодиёти, фуқароларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ва ишбилармонлик муҳитини тартибга солишдаги таъсирчанлиги тўлиқ баҳоланмаган. Бу эса фуқаролар ва тадбиркорларга ўзини оқламаган молиявий харажатлар, давлат ва унинг органлари олдида асоссиз мажбуриятларни келтириб чиқармоқда.

Шу боис норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни режалаштириш, ишлаб чиқиш босқичларида уларнинг таъсирини мажбурий баҳолашни назарда тутувчи принципиал янги тизим жорий этилаётир. Унга асосан, эндиликда ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижро этилиши, содда қилиб айтганда, "неча пулга тушиши" таҳлил қилинади.

Қонун лойиҳасида қатор янгиликлар бўлиб, уларнинг барчаси пировард мақсад — амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга, тадбиркорлик субъектларининг кафолатлари, ҳимояси ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш, уларнинг фикрларини тўлақонли ҳисобга олиш ва "Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун" принципини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга қаратилган.

## «Mening fikrim» махсус веб-портали халқимизга нима бермоқда?

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши лозим, деган олижаноб ғояни илгари сурган эди. Қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида 2018 йилнинг 20 апрелида "Mening fikrim" махсус веб-портали ишга туширилди. Парламент ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти веб-порталнинг модератори этиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, "Mening fikrim" веб-портали орқали мурожаатни юбориш ва уни кўриб чиқишнинг жуда ҳам содда ва халқчил тартиби йўлга қўйилди. Биргина 2018 йилда веб-порталга фуқаролар томонидан 2 мингга яқин жамоавий мурожаатлар келиб тушган бўлса, жорий йилнинг шу даврида улар сони 3,5 мингтани ташкил этди.

Дастлаб мурожаатлар тааллуқлилигига кўра, Олий Мажлис палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан кўриб чиқилган бўлса, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси асосида ваколатли органлар доираси кенгайтирилди. Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг 2019 йил 2 февралдаги қўшма қарори билан "Mening fikrim" веб-порталида мурожаатларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган давлат органлари қаторига Вазирлар Маҳкамаси ҳам киритилиши фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш йўлидаги навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бу мурожаатларда кўзда тутилган таклифларнинг аксарият қисмини ижро ҳокимияти органларига тааллуқли масалалар ташкил этганлиги билан изоҳланади. Келиб тушган мурожаатлар, асосан, таълим, қурилиш, тадбиркорлик, туризм, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик каби соҳаларга оид масалалардир. Улар асосида етарли овоз тўплаган 200 дан зиёд жамоавий мурожаатлар веб-порталга жойлаштирилди.

Мурожаатларнинг амалий ифодаси сифатида жорий йилда Навоий шаҳрида Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали очилди, сиртқи таълим шаклида ўқиётган талабаларнинг тўлов-контракт суммаларини камайтириш тўғрисидаги мурожаатлар юзасидан Ҳукумат томонидан фуқароларнинг таклифлари инобатга олиниб, ижобий қарорлар қабул қилинди.

Айни пайтда вақтни тескари ҳисобловчи светофорларни ўрнатиш ҳақидаги мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор йўл-транспорт ҳодисалари сони камайишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, хусусий автотранспорт воситаларининг ойналарини қорайтиришга рухсат берилиши транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва йўловчилари учун қулай шарт-шароитлар яратган бўлса, автотранспорт воситасидан фойдаланишда яқин қариндошлар учун ишончнома олиш тизими бекор қилиниши ортиқча оворагарчиликнинг олдини олишга замин яратди.

Эътиборлиси шундаки, веб-порталга келиб тушган мурожаатларнинг долзарблиги инобатга олиниб, овоз тўплаш жараёни якунланмасдан ҳам ҳаётга татбиқ этиб борилмоқда. Юртимизнинг ҳар бир масканида давлатимизнинг улкан байроғини ўрнатиш, велосипедлар учун махсус йўлак ташкил қилиш, Олий Мажлис палаталарининг мажлисларини жонли эфирда намойиш қилиш, архив ҳужжатлари бўйича хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, мактаблар ва бошқа турдаги таълим муассасалари олдига тезликни чекловчи йўл белгиларини мажбурий ўрнатиш, валютага оид муносабатларни такомиллаштиришга доир 30 дан ортиқ мурожаатлар шулар жумласидандир.

## Замонавий АКТ имкониятлари

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган эди. Шу мақсадда жорий йилнинг 1 январь куни Интернет жаҳон ахборот тармоғида пилот лойиҳаси сифатида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими — "projekt.gov.uz" синов тариқасида ишга туширилди.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида 20 дан зиёд илғор мамлакатлар тажрибаси ўрганилди.

Бинобарин, Ягона электрон тизимни тўлиқ ишга тушириш ва унинг имкониятларини ошириш мақсадида Ҳукуматнинг 2019 йил 8 апрелдаги қарорига асосан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ягона электрон тизимда келишилмоқда. Ўтган қисқа фурсатда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро органларининг 2 500 нафарга яқин ходимлари Ягона электрон тизимга электрон рақамли имзо орқали уланди.

Илгари биргина норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишда ташкилий ишларни бажариш учун бир неча ҳафта ёки ой талаб этилган бўлса, бугунги кунда бундай ишлар ягона тизим орқали тезкорлик билан амалга оширилмоқда.

Ўтган олти ой мобайнида Ягона электрон тизим орқали 1300 дан ортиқ лойиҳалар келишилди, 500 дан зиёди бўйича ҳуқуқий экспертиза хулосалари олинди, 300 дан кўпроқ ҳужжатлар Ҳукуматга киритилди. Айни пайтда 1 200 дан зиёд ҳужжат лойиҳалари келишиш жараёнида экани мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатаётганидан далолат беради.

Яна бир муҳим жиҳат. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизими — lex.uz мамлакатимизда 2000 йилда жорий этилган бўлиб, 2007 йилда расмий ишга туширилган, 2016 йилда Миллий базага қонун ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилди.

Илгари Миллий базани шакллантириш, ҳужжатларга юридик ишлов бериш, айрим ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Миллий базада расмий эълон қилиш муддатлари бузилар эди. Бунинг асосий сабаби келиб тушаётган қонуности ҳужжатлари баъзиларида имловий, услубий хатолар, давлат ва рус тили матнларида бир-бирига зид жиҳатлар борлиги эди.

Бу борада ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан Миллий базани 2019-2020 йилларда ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Унда Миллий базани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, техник мустаҳкамлаш истиқболлари белгилаб берилди.

Бу ишлар ўз самарасини узоқ куттириб қўймади. Қисқа фурсат ичида Миллий базанинг 21 қонунчилик соҳаси каталоглари шакллантирилди. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари доимий тарзда Миллий базага бир иш кунида киритилмоқда. Ҳар йили ўртача мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштирилган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги ҳаволаки нормалар, шарҳлар тақдим этиб бориляпти.

Ҳаволаки нормалар ва шарҳлар уларнинг долзарблиги, қонунчиликдаги ўзгаришлар, шунингдек, қонунчиликдаги янги ҳужжатларнинг акс этиши асосида янгилаб борилмоқда. Жумладан, Жиноят кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси, шунингдек, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар бутунлай янгиланди.

Ҳозирги пайтда Миллий базада 20 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, улар инглиз тилига таржима қилинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Туризм тўғрисида"ги ва "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг инглиз тилидаги таржимаси жойлаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштирилган ҳужжатларнинг лотин алифбосидаги матнларини ҳам базага киритиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб, 5 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лотин алифбосида эълон қилинди.

Умуман, концепцияни ҳаётга изчил татбиқ этиш қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашга замин яратмоқда.

**Валишер ДАВЛЯТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи.**

# ОНА ТИЛИМИЗ РИВОЖИ ЙЎЛИДА
## маҳаллалар ташаббусни қўлга олиши керак

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ҳамда "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳар биримизга ғурур-ифтихор бағишлаши билан бирга, улкан масъулият ҳам юклайди.*

**Муносабат**

Давлатимиз раҳбари миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғи — ўзбек тили байрами куни билан халқимизни қутлар экан, она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ҳамда мавқеини янада юксалтириш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди. Бу яқинда қабул қилинган Президент Фармонида ҳам акс этди.

Дарҳақиқат, она тилимиз борки, дунёда ўзбек деган миллат бор. Миллатимиз бор экан, маҳалладек ўлмас қадрият бардавомдир. Шу боис миллий тил ва маҳалла бир-бирига уйғун тушунчалар саналади.

Собиқ тузум даврида шўро мафкураси миллатни ўзлигидан мосуво қилиш учун унинг она тилини йўқотишга урингани ўзбек тили ривожланишига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Энг ёмони, юртимиз ҳудудлари миллийлигимизга мутлақо алоқаси йўқ атамалар билан номланди. Ўзбеклар она тилини қўйиб, русий забонда сўзлашишни маданият белгиси деб билдилар. Аммо халқимизга хос ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳаллалардаги муносабатлар, ўзаро алоқа-аралашув, оилавий қадриятлар талқинида она тилимизга ҳурмат сақланиб қолди. Таъбир жоиз бўлса, маҳалла она тилимизни бағрида асрабавайлади.

Шу ўринда тангатнинг иккинчи томони борлигини унутмаслик керак. Бугун маҳалла фуқаролар йиғинларида она тилимизга муносабат қай даражада? Йиғин фаоллари она тилимиз равнақи учун қандай курашишяпти?

Кузатишлардан аёнки, ҳозиргача тилимизни қадрлаш борасида маҳаллалар томонидан олиб борилаётган иш кўнгилдагидек эмас. Айрим маҳаллалар ҳудудида турли пештоқлар, баннерлар, плакатларга ёзилган ажнабий сўзларни ўқиб, бирон чет давлатга келиб қолдикмикин, деймиз. Тўғри, тил — тирик ҳодиса, луғат бойлиги янги сўзлар билан мунтазам бойиб бориши, янги тушунчалар кириб келганда ажнабий атамалар ҳам тилда акс этиши табиий ҳол. Аммо бу зинҳор адабий тил меъёрларининг бузилишига сабаб бўлмаслиги керак. Кўча-кўйлардаги ёзувлардаги қўпол имло хатоларини қўя турайлик, афсуски, аксарият йиғинларда "*маҳалла*" сўзининг "*махалла*" тарзида нотўғри ёзиб (боз устига, катта-катта ҳарфлар билан) қўйилганига гувоҳ бўламиз. Аслида тилга ҳурматсизликнинг энг яққол мисоли бўлган бундай ачинарли ҳолатлар ана шу ердаги йиғин ходимларининг саводсизлигини шундоқ кўрсатиб турибди.

Савол туғилади: нима учун ўзбек тили камситиляпти-ю шу ҳудуд эгалари — маҳалла мутасаддилари бунга бепарво? Ахир 9 мингдан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бирида тузилган Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифаси юқоридаги каби нохуш ҳолатларга, саводсизликка қарши курашиш эмасми? Ваҳолонки, мазкур комиссияларнинг 9 ёки 12 нафардан аъзоси бор. Бу кишилар ҳудуддаги энг зиёли инсонлар. Демак, айни комиссия фаол ишга тушса, жуда катта куч майдонга келиши аниқ. Бундай имконият туфайли тилимизни камситувчи ҳолатларни бартараф этишда қийинчилик туғилмайди. Бундан ташқари, йиғин раисларининг маслаҳатчилари ҳам тилимизнинг қадрсизланишига қарши тура олишлари жоиз.

Яна бир оғриқли жиҳат кишига тинчлик бермайди. Кўча-кўйда айрим юртдошларимиз, айниқса, ёшлар жуда қўпол, уят сўзларни, жаргон ва вулгар ибораларни ишлатишади. Бундайларнинг уйида ҳам айни каломлар ҳар куни "янграши" аниқ. Аслида ширинсўзлик, муомала маданияти — оилани мустаҳкамловчи устунлардан. Шундай экан, маҳалла фуқаролар йиғинларида одамларнинг нутқ маданияти, муомала сирлари, тўғри ва нафис талаффуз қоидаларини тарғиб қилиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Қайноналар момоларимиздан мерос эркалаш иборалари — "айланиб кетай", "жоним қоқиндиқ", "кўп яшанг", "борингизга шукр", "барака топинг" каби сўзларни қанча кўп ишлатишса, хонадонлардаги муҳит шунча соғлом ва барқарор бўлишини тушуниб етишсин. Келинларнинг нутқи асрлар синовидан ўтган таъвозели, меҳрли, ҳурматга йўғрилган жумлалар билан қанчалик бойиса, шу оиладаги турмушга айрилиқ соя солмаслигини билишсин. Баъзи ёш йигитлар борки, оғзидан чиққан ҳар гапига уятли сўз аралаштирмаса, фикр билдиролмайди. Ҳар гапида бўралатиб сўкиб турадиган кимсанинг хонадонини тинч, оиласини барқарор деб бўладими? Аслида шундайларни тарбиялаш ҳам маҳалланинг асосий вазифаларидан. Эр кишининг тилига эрк бермаслиги, чиройли нутқ ҳар доим кишига хотиржамлик, манфаат, ҳурмат келтиришини одамларга тушунтириш зарур.

Кўча-кўйда ва жамоат жойларида сўкинганларга қонунчилигимизда тегишли чоралар белгилаб қўйилган. Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик саналадиган, жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузадиган шу каби хатти-ҳаракатлар учун жарима ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиш жазоси қўлланилади. Бироқ бу қоидага риоя этмаганлар камдан-кам ҳоллардагина жазога тортилмоқда. Айни масалада жавобгарликни кучайтириш тилимизни путур етишдан асрайди.

Озгина эътиборсизлик ҳам тилимизда акс этади, энг ёмони, бу маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис тилни асраш, унинг учун қайғуриш фақатгина йилнинг октябрь ойида авж олиб, сўнг тўхтаб қолмаслиги керак. Қолаверса, бу жараёнда маҳалла энг фаол куч бўлиб майдонга чиқиши, тилимизнинг жонкуяр ҳимоячиси сифатида ташаббусни қўлга олиши зарур. Тилга эътибор барча йиғинларда қизғин тус олиб, умуммиллий ҳаракатга айланса, натижа залварли бўлади. Бунда тил учун кураш фақат тилшунослар гарданида эмаслигини барча англаб етиши даркор. Зеро, ҳеч ким четдан келиб вазиятни ўнглаб бермайди, аксинча, ўзбек тилига салгина эътиборсизлик ёт кучлар тегирмонига сув қуйса-қуядики, манфаат келтирмайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, таъкидлаш ўринлики, маҳаллаларда ҳар ҳафтанинг муайян кунини она тилимиз тарғиботига бағишлаш ўринлидир. Ўша куни йиғин ҳудудида катта ҳарфлар билан ёзиб, илиб қўйилган номлар, реклама матнларининг имло қоидаларига мувофиқлиги, ўзбек тилига мансублиги, мазмун-моҳиятини таҳлил қилиб бориш, қўпол сўзлар ишлатиш билан боғлиқ аниқланган ҳолатларни тезда бартараф этиш чораларини кўриш керак.

Қаерда тилга эътибор бўлса, она тилида ижод қилишга шарт-шароит яратилса, ўша жойда миллий ривожланиш кучаяди. Қаерда тилимиз қадр топса, ўша ерда маҳалланинг бебаҳо имкониятлари иш беради, одамийлик, хайр-эҳсон, меҳр-оқибат тушунчалари бардавом бўлади. Шундай экан, она тилимизнинг мавқеига путур етишига йўл қўймайлик, уни соф ҳолда келажак авлодга топшириш учун бор имкониятларни ишга солайлик.

**Шавкат ЖАВЛОНОВ,**
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси.**

# Ғўза дурагайлари
## борасида олиб борилаётган тадқиқотлар ўз самарасини беради

*Кластер бир соҳага бирлашган ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган корхоналар тузилмасидир. Бугунги кунда республикамизда жорий қилинган мазкур тизимда пахта экишдан то тайёр маҳсулотгача бўлган жараён ягона технологик занжирга бирлаштирилмоқда.*

**Изланиш**

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам аграр тармоқни модернизация қилиш ва оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бугун мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда пахта экиладиган майдонлар қисқартирилиб, ундан бўшаган ерларга сабзавот, полиз, дуккакли, мойли, ем-хашак ҳамда озиқ-овқат экинлари жойлаштириляпти. Чет мамлакатлардан бодрингнинг "Алиби", "Аякс", "Регал", "Суперина", "Амур", "Зена" каби, карамнинг эртапишар "Бранко", "Фарао", "Парел", "Бурбон", "Назоми", гулкарамнинг "Скайвокер", "Фарго", "Кашмер", "Барселона", "Меган", "Вайт Иксель", "Юкон", лавлагининг "Детройд" "$F_1$" дурагайи экишга тавсия қилинмоқда. Тарвузнинг "Кримстар" ва "Кримсон Свит" "$F_1$" дурагайлари районлаштирилди. Аммо жаҳон тажрибасида, жумладан, бизнинг юртимизда ҳам "$F_1$" дурагай ғўза етиштиришни амалда қўллаш деярли йўлга қўйилмаган. Бунинг сабаби эса мазкур ғўза чигитини олиш, экиш ва етиштириш усуллари, технологиялари йўқлиги, борларининг мукаммал эмаслиги ва самарасизлигидадир. Эндиликда, давр талаби билан, ушбу технологияни амалиётда қўллаш, янги услубларини ўзлаштириш ва технологиясини ишлаб чиқишга бизда ҳам эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 февралдаги "Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу тармоқдаги мисли кўрилмаган ўзгаришларга сабаб бўляпти. Маълумки, фермер хўжаликларига ўрта толали ғўзадан гектаридан 40 центнер ва ундан юқори, тола чиқими 40 фоиздан кам бўлмаган сифатли ҳосил етиштириш талаби қўйилган. Шунинг учун кам маблағ сарфлаб, кўп ҳосил олишни йўлга қўйиш керак бўлади. Бу талабга жавоб бериш усулларидан бири "$F_1$" дурагай ғўза етиштиришни амалда қўллаш ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, "$F_1$" дурагайлари тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, тола сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан андоза навлардан 150 — 180 фоиз устун бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти "Ғўза, дон ва дуккакли экинлари бирламчи уруғчилиги ва уруғшунослиги" лабораториясида бир неча йиллар давомида ғўзанинг "$F_1$" дурагай чигитини олиш, экиш ва етиштириш усулларини такомиллаштириш, технологиясини ишлаб чиқиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундан мақсад дурагайлашнинг бир неча усулини қўллаб, уларнинг қай бири самарадор, яъни бир хил вақтда қай усулда кўпроқ дурагайлаш мумкинлигини аниқлашдир.

Бу ишларнинг олиб борилишида ғўзанинг турлараро, турини, келиб чиқиши ҳар хил бўлган, генотипик ва географик жиҳатдан узоқ бўлган шаклларини чатиштириш усулларидан фойдаланилди. Қўлланилган усуллар бир-бирига нисбатан таққосий ўрганилди, уларнинг самарадорлиги аниқланди. Олинган "$F_1$" ўсимликлари — тезпишарлиги, ҳосилининг юқорилиги, тола кўрсаткичлари сифатлилиги билан андоза навларга нисбатан устунлиги кўринди.

Таҳлиллар натижасида андоза навларга нисбатан 3 — 5 кун тезпишар, 50 — 60 фоиз серҳосил, тола сифати юқори, толаси штапел узунлиги 35 — 40 мм., тола чиқими 38 — 43 фоизга тенг дурагайларнинг ота-она шакллари аниқланди, ажратиб олинди. Бу шакллар келгуси йилларда кенг майдонларда экилиб, дурагайлашга тайёрланмоқда.

Мазкур технологияни ишлаб чиқиш ва қўллаш муайян маблағ ҳамда экин майдонлари, экиш техникалари каби шароитлар яратилишини тақозо этади.

**Иззатилло ҚАҲҲАРОВ,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,**
**Гулбаҳор ДЎСМАТОВА,**
**докторант.**

# Ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш энди осонлашади

*Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги "Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори 2019 йилнинг 1 ноябридан бошлаб янги тартибда кучга киради.*

**Семинар**

Давлат хизматлари агентлиги (ДХА) Тошкент вилояти бошқармаси биносида ана шу масалага бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

— Аввалги тартиб бўйича истеъмолчилар мутахассислар томонидан ечиб олинган ҳисоблагичларни қиёслаш марказларига ўзлари олиб боришар эди. Жорий йилнинг 1 ноябридан эътиборан бу тартиб ўзгаради, — дейди ДХА Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдулла Турсунов. — Истеъмолчилар бевосита Давлат хизматлари агентлигига сўровнома ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон тарзда мурожаат қилиши зарур. Ҳисоблагич ускуналарини ечиб олиш 5 иш куни, қиёслашдан ўтказиш 3 иш куни, ўрнатиш 3 иш кунида амалга оширилади. Ҳисоблагични қиёслашдан ўтказиш давлат хизматини кўрсатганлик учун жисмоний шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи, бугунги кундаги ҳисоб бўйича 44 600 сўм миқдоридаги тўловни амалга оширади. Юридик шахслар эса базавий тўловнинг 1,5 баробари миқдорида банкдаги тегишли ҳисоб рақамига маблағ ўтказади. Ҳисоблагични қиёслашдан ўтказиш назарда тутилмаган ҳолларда ечиш ёки ўрнатиш учун йиғим ундирилмайди. Қолган барча жараёнлар таъминотчи корхоналар томонидан бажарилади.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Фахр**

# Ўзбекистонлик пианиночи АҚШда ўз маҳоратини намойиш этди

*Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонасида ҳамюртимиз, В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи битирувчиси, моҳир пианиночи Роман Робинович ижросида концерт уюштирилди. Истеъдодли санъаткор дунёга машҳур композиторлар асарларини маҳорат билан ижро этиб, тадбирга йиғилганларни лол қолдирди.*

Таъкидлаш жоизки, Роман аллақачон АҚШ, Канада, Россия ва Европа мамлакатларидаги мусиқа ихлосмандлари қалбини забт этиб улгурган. У Лейпцигдаги Гевандхаус, Лондондаги Вигмор зали, Москва консерваторияси Катта зали, Париждаги Сите-де-ла-Мюзик, Вашингтондаги Кеннеди номидаги марказ каби машҳур даргоҳларда концерт дастурини тақдим қилган.

Ҳамюртимиз Артур Рубинштейн номидаги XII халқаро фортепиано усталари танлови ғолиби ҳисобланади. "The New York Times" нашри эса уни "фавқулодда ҳис қилиш қобилиятига эга" дея эътироф этган.

Юртимиз элчихонасида ўтказилган маданий кечага нуфузли "The Embassy Series" ташкилоти, Вашингтон жамоатчилиги, сиёсат ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари ташриф буюрди.

Маълумот учун айтиш жоизки, "The Embassy Series" 1994 йилда ташкил этилган. Ўшандан бошлаб мазкур ташкилот томонидан 90 та турли элчихонада 600 дан ортиқ брифинг ва концертлар ўтказилган. Уларда АҚШ ҳукумати, бизнес жамоатчилиги ва маданий-гуманитар доираларидан 60 мингдан зиёд вакиллар, шунингдек, жаҳоннинг 80 мамлакатидан 800 нафар хорижлик, АҚШдан эса 300 дан зиёд артистлар қатнашган.

Маросимни Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жавлон Ваҳобов очар экан, меҳмонларга икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар ҳақида сўзлаб берди. Айни чоғда юртимизда тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш, туризм соҳасини ривожлантириш, диёримизга сайёҳлар оқимини жалб этиш ҳамда ушбу жабҳада хусусий сектор учун яратилган қулай шароитлар хусусида маълумот тақдим этди.

Роман Робиновичнинг мусиқий чиқиши эса ушбу маданий тадбирга ўзгача файз бағишлади. У Иоганн Себастьян Бах, Дьёрдь Шандор Лигети, Клод Дебюсси, Жорж Гершвин, Энрике Гранадос ва Игорь Стравинский каби жаҳонга машҳур бастакорлар асарларини маҳорат билан ижро этди.

"The Embassy Series" президенти Жероми Берри ушбу ажойиб маданий кеча ҳақида ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

— Биз фаолиятимиз давомида хориж давлатларининг АҚШдаги 88 та дипломатик ваколатхонасида маданий ва концерт дастурлари ўтказдик, — деди у. — Шу каби тадбирни Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида ҳам ташкил этиш биз учун катта шараф. Зеро, ушбу гўзал диёрнинг буюк тарихи ва бой маданиятига шўнғиб кетдик гўё. Ўзбек халқининг кўплаб соҳалар, жумладан, илм-фан, маданият ва тиббиёт йўналишларидаги катта ютуқлари Қўшма Штатларда ҳам кенг ёйилиши керак. Биз, америкаликлар, ўзбекистонлик иқтидорли ёшлар салоҳиятини юксак баҳолаймиз. Тошкентда туғилиб, у ерда илк мусиқий сабоқларни олган Роман Робинович бунинг ёрқин тасдиғидир. Унинг ижроси бугун ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. У мусиқий дипломатиянинг ҳақиқий намунасини намойиш этиб берди. Бугунги кеча ва концерт Ўзбекистон учун яхши "ташриф қоғози"га айланиб, барча иштирокчиларнинг юртингизга боришлари учун жиддий чақириқ бўлиб янгради.

**С. ҚОСИМЖОНОВ.**

# ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТЛАРИ ЧИҚИНДИСИДАН ҚУРИЛИШ БИТУМИ ЯРАТИЛДИ

*Госсипол смоласидан жаҳон миқёсида муқобили йўқ янги турдаги нефтсиз битумларнинг технологияси илк бор Ўзбекистонда яратилди.*

**Инновация**

Ҳозирги кунларда госсипол смоласи республикамиз ёғ-мой комбинатларида чиқинди бўлиб, қўшимча экологик муаммоларни туғдирмоқда. Эндиликда улардан халқаро даражадаги битум маҳсулотлари олинади.

Нефтсиз битумларнинг тажриба-саноат намуналари Осиё, Европа, Америка ва Ҳамдўстлик давлатларида ўтказилган халқаро ярмаркаларда намойиш этилди.

Лойиҳа доирасидаги илмий ҳажмдор маҳсулот — битумнинг таннархи тоннасига 2 500 000 — 2 600 000 сўм атрофида. Бугунги кундаги сотилиш баҳоси ички бозорга 3 500 000 сўмни, чет элларга 600 АҚШ долларини ташкил этмоқда. Айни кунларда нефтдан ишлаб чиқарилаётган битумларнинг таннархи баланд бўлгани боис, биржада сотилиш баҳоси тоннасига тахминан 4 500 000 — 5 000 000 сўмни ташкил қилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизга 700 000 тонна битум валюта ҳисобига импорт қилинаётганига эътибор қаратмоқчимиз. Мазкур лойиҳа доирасида эса 2020-2021 йилларга мўлжалланган йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 500 тоннани ташкил этиши кутиляпти. Кенг миқёсда ишлаб чиқариш ташкил этилса, республика бўйича йилига 30 000 тоннадан ортиқ нефтсиз битум тайёрлаш имконияти мавжуд. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини таъминлайди ва экспорт учун замин яратади.

**Назокат АБДУҚУНДУЗОВА,**
**Инновацион ривожланиш вазирлиги**
**Матбуот хизмати раҳбари.**

ЭЪЛОН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ**
**МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ**
**«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК**
**онлайн-аукцион савдосига таклиф этади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси билан 2019 йил 21 октябрда тузилган 246/2019-12-сонли шартномага асосан **https://www.e-auksion.uz** электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 13 ноябрь** куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент шаҳар бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Daewoo Nexia Sons» | 01 023 QDA | 2008 | 37 055 256,00 | 0130031 |
| 2. | «Daewoo Nexia Dons» | 01 025 KAA | 2007 | 30 386 574,00 | 0130004 |
| 3. | «Chevrolet Nexia Sons Evro2» | 01 054 OBA | 2010 | 40 110 381,00 | 0130032 |
| 4 | «Chevrolet Nexia Sons Evro2» | 01 056 OBA | 2011 | 41 683 133,00 | 0130895 |
| 5. | «Chevrolet Nexia Sons Evro2» | 01 058 OBA | 2010 | 41 067 533,00 | 0130896 |
| 6. | «Chevrolet Nexia Sons Evro2» | 01 059 OBA | 2010 | 41 367 483,00 | 0130040 |
| 7. | «ГАЗ 33-07» | 01 095 EAA | 1993 | 20 144 700,00 | 0130009 |
| 8. | «Daewoo Nexia Sons» | 01 271 QBA | 2003 | 26 409 605,00 | 0130005 |
| 9. | «Daewoo Nexia Dons» | 01 249 CEA | 2008 | 30 371 705,00 | 0130898 |
| 10. | «Damas VAN» | 01 305 OBA | 2011 | 40 787 443,00 | 0130013 |
| 11. | «Damas» | 01 312 OBA | 2011 | 41 271 919,00 | 0130015 |
| 12. | «Epica» | 01 317 CBA | 2010 | 61 970 880,00 | 0130044 |
| 13. | «Chevrolet LACETTI» | 01 347 MFA | 2013 | 64 474 235,00 | 0130897 |
| 14. | «ГАЗ 33-07» | 01 546 FAA | 1992 | 18 466 000,00 | 0130042 |
| 15. | «Daewoo Nexia Sons» | 01 605 CBA | 2009 | 38 085 368,00 | 0130035 |
| 16. | «Chevrolet Nexia Sons Evro3» | 01 608 CBA | 2009 | 40 139 157,00 | 0130036 |
| 17. | «Chevrolet Nexia Sons Evro3» | 01 610 CBA | 2009 | 38 606 331,00 | 0130038 |
| 18. | «Chevrolet Nexia Sons Evro2» | 01 612 CBA | 2009 | 37 676 920,00 | 0130033 |
| 19. | «Midibus 2312» | 01 622 FAA | 2002 | 45 262 500,00 | 0130016 |
| 20. | «Daewoo Nexia Sons» | 01 690 OEA | 2009 | 36 461 535,00 | 0130034 |
| 21. | «Chevrolet Nexia Dons Evro3» | 01 697 RBA | 2011 | 42 338 736,00 | 0130010 |
| 22. | «Daewoo Nexia Dons» | 01 724 EAA | 2007 | 28 377 082,00 | 0130006 |
| 23. | «Nexia Sons» | 01 748 EAA | 2005 | 26 227 193,00 | 0130026 |
| 24. | «Daewoo Nexia Dons» | 01 782 FAA | 2008 | 30 371 705,00 | 0130007 |
| 25. | «Daewoo Nexia Sons» | 01 830 SAA | 2009 | 40 113 589,00 | 0130017 |
| 26. | «Daewoo Nexia Sons» | 01 832 SAA | 2009 | 41 119 430,00 | 0130012 |
| 27. | «Daewoo Nexia Sons» | 01 833 SAA | 2009 | 41 552 266,00 | 0130011 |
| 28. | «Daewoo Nexia Dons» | 01 848 ACA | 2007 | 26 520 898,00 | 0130008 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Тикланиш кўчаси, 19-«А» уйда жойлашган Автохўжалик ҳудуди.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдосида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

910J/614



# МАШИНАДАН НЕГА ДАРАК БЎЛМАДИ?
## ёхуд 29 миллион 810 минг сўм нақд пул эгасига қайтарилди

*Бундан бирмунча вақт муқаддам ижтимоий тармоқларда Бухоро шаҳридаги "Умид автолизинг" масъулияти чекланган жамиятининг "Сизга кўнглингиз тусаган русумдаги автомашинани қулай нархларда олиб берамиз" дея кўплаб кишиларни сарсон-саргардон қилгани ҳақида мақолалар чиққанди. Афсуски, сохта тадбиркорларнинг ёлғончилигидан "оғзи куйиб қолганлар" ҳали-ҳануз учрамоқда.*

**Назорат**

Шулардан бири Бухоро шаҳрида яшовчи Рустам Аҳроровдир. У шу йилнинг 27 июль куни Бухоро шаҳридаги "Орент авто лизинг" масъулияти чекланган жамияти ҳисоб рақамига "Spark" русумли автомашина харид қилиш мақсадида 29 миллион 810 минг сўм нақд пул ўтказганди. Шартномада кўзда тутилган муддат келди. Аммо машинадан дарак бўлмади. Табиийки, Р. Аҳроровнинг боши қотди. Ахир 29 миллион сўм ҳазилакам маблағми? Пешона тери билан пул топадиган киши буни яхши билади. Истеъмолчи "Орент авто лизинг" МЧЖга борди. Аммо тайинли жавоб ололмади.

— Шундан сўнг у жамиятимизга ариза билан мурожаат қилиб, истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда ёрдам сўради, — дейди Бухоро шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Каримжон Ҳафизов. — Ходимларимиз томонидан ушбу мурожаат атрофлича ўрганиб чиқилди. Пировардида автомобиль учун амалга оширилган бошланғич тўлов, яъни 29 миллион 810 минг сўм маблағ масъулияти чекланган жамияти томонидан истеъмолчига қайтариб берилди.

Шу ўринда бундай нохуш ҳолатлар бўлмаслиги ҳам мумкинмиди, деган савол туғилади. Соҳа мутахассисларининг фикрича, мумкин эди. Аввало, "Орент авто лизинг"га ўхшаган корхона соҳиблари истеъмолчини алдаш, унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш ҳақида эмас, ҳалол ризқ-рўз эвазига рўзғор тебратиш тўғрисида ўйлашлари даркор.

Масаланинг яна бир томони борки, хизмат кўрсатувчи ҳар қандай корхона билан шартнома тузганда белгиланган шартларни синчиклаб ўқиб чиқиш ва шундан кейингина бир қарорга келган маъқул. Буни алоҳида таъкидлашимизнинг боиси бор. Кўп ҳолларда айрим ноинсофлар лизинг ниқоби остида "Сизга қулай нархларда автоулов, уй олиб берамиз" деб содда одамларни "чув" туширишяпти. Уларни ойлаб, ҳатто йиллаб сарсон-саргардон қилишмоқда. Бундай товламачилардан огоҳ бўлинг!

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

*“Қўллар ишлайди, кўзлар кўради. Капалакдек қанот қоқиб, аридек чақ”. Бу — дунё бокс олами афсоналаридан бирида айтилган сўзлар — олтин қоидалар. Аммо камдан-кам чарм қўлқоп усталаригина мазкур мураккаб вазифанинг уддасидан чиқа олганлар. Айниқса, оғир вазнли боксчилар орасида улар сони бармоқ билан санарли. Ана шундай камёб қобилият соҳибларидан бири, ҳамюртимиз, ўзбек бокси тарихи ифтихори Холматжон Содиқов эди.*

# ҲАЁТДА ҲАМ, РИНГДА ҲАМ ҒОЛИБ



## Алпқомат ўқувчи

Бундан етмиш етти йил муқаддам Фарғона вилоятида, Рўзали домла ва Майрамхон опа оиласида таваллуд топган Холматжон Содиқов болалигиданоқ жисмонан бақувватлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ёшлигидан спортнинг бокс турига меҳр қўйиб, астойдил шуғуллана бошлаган. Ўз навбатида, ота-онасига деҳқончилик юмушларида ҳам яқин кўмакчи бўлган.

Ўша пайтларда пахта йиғим-теримига кексаю ёш ёппасига олиб чиқилганини кўпчилик яхши билади. Ҳашарчиларга тушлик тайёрловчи ошпазлар мактаб ўқувчиси, кичик ёшли, аммо алпқомат Холматжондан доим ичимлик суви олиб келиб беришни сўрашар экан. У 80 литрли сув тўла бочкани 1 километр масофадан ташиб келтирганини синфдошлари ҳамон ҳайрат билан эслашади.

## Шароф Рашидов бағрига босган ўзбек паҳлавони

Тинимсиз машғулотлар ўз самарасини узоқ куттирмади. Қаҳрамонимиз 9-синфдалигидаёқ Марғилон шаҳри биринчилигида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилади. Мактаб давридаги пешқадамликни армияда ҳам қўлдан бой бермади. 19 ёшида ҳарбий хизматга чақирилган Холматжон Туркистон ҳарбий округи бўйича ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, ҳарбий хизматдан қайтгунига қадар ғолиблик мақомини муносиб ҳимоя қилди. Шу-шу бокс ҳаёти мазмунига айланди. Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини намунали тамомлагач, бу соҳада профессионал фаолиятга киришди. Қарангки, тоғни урса талқон қиладиган ўзбек йигити 1963 йилдан 1980 йилгача Ўзбекистон чемпионлигини ҳеч кимга бермай келган. Яъни 17 йил мобайнида мамлакатда тенгсиз дея эътироф этилган. Бу собиқ иттифоқ даврида унча-бунча спортчининг қўлидан келадиган натижа эмасди. Ўша пайтлари Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлган Шароф Рашидов Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Х. Содиқовни “Ўзбекистон паҳлавони!” дея бағрига босиб, қучоқлаб кўришган экан. Ана шу воқеани ёши каттталар ҳали-ҳалигача алоҳида мамнуният билан эслаб юришади.

Шу ўринда яна бир ибратли воқеани ёдга олиш жоиз. Холматжон ака 1968 йилда Сурияда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақада олтин медалга сазовор бўлади. Шу даврда собиқ иттифоқнинг ушбу давлатдаги элчиси, ватандошимиз Н. Муҳитдинов ёрдами билан боксчимиз Саудия Арабистонининг Макка шаҳрини зиёрат қилиш саодатига муяссар бўлган. Ўша даврдаги машъум сиёсат чекловлари ҳисобга олинса, бу ўзбек фарзанди учун жасорат эди. Аммо юракда чин ихлос бўлса, Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватлайверади. Ана шу қатъият боксчимизга рингда ҳам беқиёс руҳий-маънавий ва жисмоний куч бахш этган бўлса, не ажаб...

## Инсон иродаси нимага қодир?

Бокс бўйича спорт устаси, мураббий С. Бўтаевнинг айтишича, 1979 йили аввалига Германияда, сўнг Эстонияда кетма-кет халқаро турнирлар ташкил этилган. Холматжон Содиқов мазкур йирик мусобақаларнинг ҳар иккисида ҳам оғир вазн тоифасида қатнашиб, финалга чиққан. Якунда эса ғаройиб натижа қайд этган. Гап шундаки, у ҳал қилувчи баҳсларнинг ҳар иккисида дастлабки икки раундни қўлдан бой беради ва учинчи раундда рақибларини нокаутга учратади. Ҳа, нокаутга! Бундай кутилмаган ҳолатдан барча ҳайратда қолади. Холматжон Содиқов инсон иродаси нималарга қодир эканлигини фақат Голливуд фильмларида эмас, балки ўзбек ўғлонининг хатти-ҳаракатларида ҳам кўриш мумкинлигини бутун дунёга исботлаб бера олди.

## Ҳаёт ҳамда спортни севган ва бошқаларни ҳам шунга ундаган ота

Холматжон Содиқов Қундузхон ая билан турмуш қуриб, бахтли ҳаёт кечирди. Икки фарзандни оқ ювиб,

### Соғинч

оқ тараб вояга етказди, уйли-жойли қилди. Саккиз набиранинг бобосию бувиси бўлишди.

Шогирдларининг айтишича, Холматжон ота Содиқов умрининг охирига қадар ҳаётни севган, вақтнинг қадрига етган, бадантарбия машқларини канда қилмаган ва бошқаларни ҳам шунга даъват этган.

— Менга ўз акамдек яқин бўлган Холматжон Содиқовни ўлим орамиздан олиб кетди, — дейди Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В. Фен. — Бокс бўйича 17 карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар ғолиби, етакчи мураббий ҳамда хизмат кўрсатган спорт устаси сифатида Ватанимиз шарафини бутун дунёга танитишда Холматжон Содиқовнинг хизматлари беқиёс. У жуда камтарин, кўнгли очиқ ва хушчақчақ инсон эди. Ҳар доим бизни спорт билан мунтазам шуғулланиш ва ҳаётни қадрлашга чорлаган.

Бинобарин, Холматжон Содиқов ўзбек бокс мактаби ва унинг шонли тарихида ўчмас из қолдирган. Унинг номи Сидней Жексон, Андрей Борзенко, Руфат Рисқиев, Владимир Юдин, Абдулла Қодир-Охунов, Ботир Усмонов, Борис Ниёзов, Феликс Пак, Зоир Абдуқодиров, Владимир Шин, Гамлет Илёсов, Артур Григорян, Наримон Отаев каби афсонавий боксчилар қаторида тилга олинади.

Аслида ҳаёт ҳам ринг мисоли. Ўзидан яхши ном, эзгу амал, ҳаётга муҳаббат туйғуларини қолдириб кетган инсон эса ҳақиқий ринг қиролидир. Холматжон Содиқов қалбларда ана шундай ғолибликка муносиб ватандошимиз бўлиб қолаверади.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

«Global Times»:

# «Ипак йўлининг дурдонаси»

***Хитойда инглиз тилида нашр этиладиган “Global Times” газетаси “Ипак йўлининг дурдонаси” сарлавҳали суратли мақолани эълон қилди. Унда Хива шаҳрининг бой ва бетакрор сайёҳлик салоҳияти ҳақида сўз юритилган.***

### Изланиш

Мазкур газета журналисти Х. Лиу ўз мақоласини Хиванинг бебаҳо манзил эканлиги ҳақидаги таърифлари билан бошлар экан, “Сиз бу қадимий шаҳарни ўз кўзингиз билан кўрмасдан туриб, унинг нақадар гўзал ва улуғвор эканини тўлиқ тасаввур эта олмайсиз”, дея таъкидлайди. У қадимий Хива ҳақидаги тарихий маълумотларни қаламга олар экан, “Ичан қалъа” мажмуаси 1991 йил ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилганини газетхонлар эътиборига ҳавола қилади.



Муаллиф, шунингдек, Калта минор, Жума масжиди сингари осориатиқалар тарихига алоҳида тўхталган. Хитойлик журналист “Ичан-қалъа” ёдгорлик мажмуасида X асрга оид 50 та тарихий обида, XVIII-XIX асрларга тааллуқли 250 та қадимий уй мавжуд эканини алоҳида қайд этган.

Мақолада жаҳон саёҳатчилари томонидан ҳақли равишда “очиқ осмон остидаги музей-шаҳар” дея таърифланадиган Хива тарихда Буюк Ипак йўлининг муҳим маркази бўлгани, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш йўлида кенг кўламли изчил чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётгани, 2020 йил 1 январдан бошлаб Хитой Халқ Республикаси фуқаролари учун Ўзбекистон халқаро аэропортлари орқали етти кундан кўп бўлмаган муддатга мамлакатга визасиз кириш тартиби белгиланганини, ўзбек заминига саёҳат қилаётган хорижлик, жумладан, хитойлик сайёҳлар сони тобора кўпайиб бораётгани билан боғлиқ маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

Жорий йил 14 — 16 сентябрь кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтган “Рақс сеҳри” халқаро мусиқа фестивалини Хитой оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун мақола муаллифининг Ўзбекистонга ижодий сафари уюштирилган эди. Унинг мазкур халқаро маданий тадбир ҳақидаги туркум хабар ва мақолалари “Global Times” газетаси ва нашрнинг веб-саҳифасида эълон қилинди.

“Global Times” нашри Хитойнинг етакчи газетаси ҳисобланадиган “Жэньмин жибао” тизимидаги бўлинма сифатида фаолият кўрсатади. Хитой тилида 1,5 миллион нусха, инглиз тилида 260 минг нусхада чоп этиладиган ушбу нашр мамлакат бўйлаб тарқатиладиган иккита умуммиллий газетадан бири ҳисобланади.

**«Дунё» АА.**
Пекин

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН






# Халифа университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилди

*Тошкент давлат техника университети делегацияси Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида жойлашган Халифа университетига ташриф буюрди.*

### Таълим

Халифа университети ижрочи вице-президенти Ариф Султан Ал Хаммади, вице-президент Аҳмед Ал Шоайби билан бўлиб ўтган учрашувда ҳамкорликда иқтисодиёт тармоқлари учун зарур йўналишларда малакали кадрлар тайёрлаш, биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида 2020 йилнинг январь — май ойларида Халифа университетига Тошкент давлат техника университетининг энергетика соҳаси бўйича бир гуруҳ иқтидорли талабаларини ўқишга ҳамда илмий ходимларни илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун жўнатишга келишилди.

Яқин келажакда босқичма-босқич қўшма таълим дастурлари асосида икки томонлама диплом бериш бўйича бакалавриат (2+2) ва магистратура (1+1)да талабаларнинг таълим олишини ташкил этиш кўзда тутилган.

**«Халқ сўзи».**






Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 45 962 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6